



ЎЎТ: 631.11: 631. 82

КУЗГИ БУҒДОЙНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ХОСИЛДОРЛИК САМАРОДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Рахимова Жадра Атабековна

*Қорақалпоғстон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти, ассистент*

Каниязова Дилбар Айнияз кизи

3-курс талаба

Халмуратова Бахитгул Узахбергеновна

*Ilmiy rahbar: Қорақалпоғстон қишлоқ
хўжалиги ва агротехнологиялар институти, қ.х.ф.ф.д.,*

Аннотация: *Кузги буғдой энг кўп тарқалган асосий донли экинлардан бири ҳисобланади. Кузги буғдойни озиқлантириши ва агротехнологиясини тўғри олиб бориши ҳосилдорликни гарови.*

Калит сўзлар: *Кузги буғдой, тупроқ, буғдой дони, буғдой сомони, озиқа элементлар, ўғитлар, ҳосилдорлик.*

Аннотация: *Озимая пшеница – одна из самых распространенных основных зерновых культур. Правильная подкормка и агротехника озимой пшеницы – залог урожая*

Ключевые слова: *озимая пшеница, почва, пшеничное зерно, пшеничная солома, элементы питания, удобрения, урожайность*

Кузги буғдой бошқа дон экинларига нисбатан тупроқдаги озиқа моддаларнинг ўзлаштириладиган шаклда бўлишига талабчан. Дала шароитида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши жадаллигининг паст бўлиши, тупроқда асосий озиқа элементлари, азот, фосфор, калийнинг етарли бўлмаслиги сабабли юзага келади. Айрим типдаги тупроқларда меъёрида ўсишнинг бўзилишига бошқа озиқа элементлари, шу жумладан микроэлементларнинг етишмаслиги сабаб бўлади.

Кузги буғдойнинг фенологик кузатувлари куз ва баҳор ойларида аниқланди. Кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланиши 1.IV 1.V; 1.VI кунлари ўлчаниб борилди. Фенологик кузатувлар ҳар бир вариантдаги 100 ўсимликда ўтказилди. Кузги буғдойнинг кўчат калинлиги ҳар бир вариантда диоганаллар бўйича 1 м² ўлчамда доимий қозиклар қоқилган 3 нуқта белгилаб олинди фенологик кузатувлари ўтказилди. 1 м² дан олинган кузги буғдой бошқлари алоҳида қоғозга ўраб кўйилди ва ундан тупдаги поя сони, ҳосилли поялар сони, бошқдаги дон сони ва дон оғирлиги аниқланди.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қатор ислохотлар амалга оширилиши, халқимизнинг сифатли ва экологик соф ҳамда арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишига замин яратмоқда. Кузги буғдой энг кўп тарқалган асосий донли экинлардан бири ҳисобланади.

Бутун дунё халкларининг ярмидан кўпроғи озиқ-овқат сифатида буғдой нонидан фойдаланади. Буғдой донининг таркибида унинг навига, экиш шароитига қараб 11,0% дан 18-19% гача оқсил моддаси бўлади. Буғдой нонидаги оқсилнинг ҳазм бўлиши 95% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, буғдой донидан ёрма тайёрланади, унинг уни макарон ва кондитер саноатида ишлатилади. Буғдой донининг сифати, яъни таркибидаги оқсил, клейковина миқдори буғдой навига ҳамда етиштирилаётган минтақанинг тупроқ-иклим шароитига қараб ўзгаради. Буғдойнинг сомони ва похоли ем-хашак сифатида чорва молларига берилади, янчишдан чиққан чикиндилари юқори сифатли озуқа ҳисобланади. Найчалаш фазасида ўсимликнинг намлик ва озиқа моддалар билан таъминланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Уларнинг етишмаслиги ўсишни, пластик моддалар тўпланишини камайтиради, бошоқнинг шаклланиш шароитини ёмонлаштиради ва натижада ҳосилнинг камайишига олиб келади. Бу даврда ўсимлик учун энг қулай сув режими тупроқ чекланган дала нам сифимининг 80 % дан кам бўлмаганда ҳосил қилинади.

Кўпчилик олимларнинг маълумотларига қараганда, ўртача 45-50% сув сарфланади, ҳароратнинг интервали жуда кенг. Униб чиқиш ҳаттоки 1 0С да ҳам бошланиши мумкин, лекин энг мақбул даража бу – 25-28 0С ҳисобланади, энг юқориси 30 0С. Сувнинг тақчил бўлиши ва ҳароратнинг пасайиши уруғнинг униб чиқишини тўхтатиш мумкин. 19 0С да уруғнинг униб чиқиши 1-3 кунда кузатилади. 15,8 0С да 2 кун, 10,21 0С да 3 кун, 4,4 0С да 6 кун. Дастлабки муртак илдизчалари бўйига ўса бошлайди, кейин поя, новдаси ўсиб ривожланади. Униб чиқиш даври бошланади. 14-16оС ҳарорат ва намлик етарли бўлганда эккандан кейин 7-9 кунда униб чиқа бошлайди, экиш-униб чиқиш даврининг узунлиги экиш муддатларига боғлиқ.

Кузги буғдой бошқа дон экинларига нисбатан тупроқдаги озиқа моддаларнинг ўзлаштириладиган шаклда бўлишига талабчан. Дала шароитида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши жадаллигининг паст бўлиши, тупроқда асосий озиқа элементлари, азот, фосфор, калийнинг етарли бўлмаслиги сабабли юзага келади. Айрим типдаги тупроқларда меъёрида ўсишнинг бўзилишига бошқа озиқа элементлари, шу жумладан микроэлементларнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Кузги буғдой азотга талабчан.

Ўсимлик ўсиши учун энг қулай шароит тупроқдаги намлик чекланган дала нам сифимининг 75-80 % дан кам бўлмаганда яратилади. Кузги буғдойнинг тупроқдан нам ўзлаштириши тупроқдаги намлик сўлиш намли-гига тенг бўлганда тўхтайдди. Тупроқнинг механик таркиби, сув физик хоссалари ва кимёвий таркибига боғлиқ ҳолда сўлиш намлиги тупроқ мутлақ куруқ массасининг оғирлигига нисбатан ўзгаради. Кузги ғалла экинларида йиллик азотли ўғитлар меъёри соф ҳолда гектарига 180-200 кг миқдорда белгиланганда, азотли ўғитларнинг 75-80 кг/га туплаш даврида, 75-80 кг/га найчалаш даврининг бошланишида, 30-40 кг/га ни бошоқлаш даврларида озиқлантириш мақсадга мувофиқ. Бунда дастлабки озиқлантириш ишларини механик таркиби энгил қумоқ тупроқларидан бошлаб, кейинги навбатда эса ўрта ва тоғолди минтақасига бериш мақсадга мувофиқ. Бунда кузда экиш олдидан ёки экиш билан

бирга берилган фосфорли ўғитлар таркибидаги азот (25 кг) миқдори ҳисобга олиниши лозим.

Озиқланиш муҳотида азотнинг етишмаслиги, ҳосилнинг камайишига олиб келади. Ортиқча азотли озиқланиш, бақувват ўсиш массасини шаклланишига ва илдиз тизими билан ер усти массаси нисбатининг бўзилишига, ўсиш даврининг узайишига ҳамда ўсимликнинг замбуруғ касал-ликларига чидамлилигининг пасайишига сабаб бўлади.

Кузги буғдойдан режалаштирилган ҳосилни олиш учун ерга солинадиган ўғитлар меъёри агрокимёвий картограмма маълумотларига асосан ерлардан ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддалар, экин ўзлаштирадиган озиқ элементлар ва ерга солинган ўғит миқдорига қараб аниқланади. Кузги буғдой азотга жуда талабчан бўлади. У най ўраш ва бошоқланиш даврида азотни, ўсишнинг дастлабки 1-5-хафтасида фосфорни ва ўсув даврининг бошидан гуллагунга қадар, калийни кўп талаб килади. Фосфорли ва калийли ўғитлар кузги буғдойнинг қишга чидамлилигини оширади, доннинг етилишини тезлаштиради. Поянинг ётиб қолишидан ва турли замбуруғ касалликларидан сақлайди.

Кузги буғдой калийни тупроқдан униб чиқишидан гуллаш фазасигача ўзлаштиради. Калийнинг ўсимлик томонидан энг жадал ўзлаштирилиши найчалаш бошоқлаш даврига тўғри келади. Кузги буғдой тупроқнинг унумдорлигига, бегона ўтлардан тоза ва нам билан яхши таъминланган тупроқларга талабчандир. Барқарор мўл ҳосил олиш учун кузги буғдойни алмашлаб экишда тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Кузги буғдой суғориладиган ерларда эртаги экинлардан бўшаган ерларга келаси йили такрорий экин сифатида экилиши керак. Бунда ресурс тежамкор технология ҳисобига иқтисодий самарадорлик ошмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тешаева Д.Р. Шўрланган тупроқлар шароитида кузги буғдой навларини етиштиришнинг назарий ва илмий асослари.//Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси.-2022. №9/1.-В.53- 58. (03.00.00.№ 12).

2. Холлиев А.Е., Тешаева Д.Р. Ҳар хил даражали шўрланган тупроқлар шароитида буғдой навларининг сув алмашинув кўрсаткичлари. //Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси.- 2022.- №9/1.- В.58-62. (03.00.00.№ 12).

3. Тешаева Д.Р. Кузги буғдойнинг шўрга чидамлилигини аниқлашнинг тезкор ва чидамликни оширишнинг физиологик усуллари//Услубий тавсиялар.-Бухоро: Дурдона,2022.-50 б.

4. Манба: «Кузги буғдой ва ғўза етиштириш асослари» Б.А.Сулаймонов, Б.С.Болтаев, Р.Ш.Тиллаев, Ш.Х.Абдуалимов